

ҲАРБИЙ НАШРЛАРДА МУСТАБИД ТУЗУМ КЎЗЛАГАН МАҚСАД ИФОДАСИ (Ўзбекистонда шўролар давридаги ҳарбий нашрлар мисолида)

Алижон Итолмасович САФАРОВ

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети катта ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

ВЫРАЖЕНИЕ ЦЕЛИ АВТОРИТАРНОГО РЕЖИМА В ВОЕННЫХ ИЗДАНИЯХ (на примере военных изданий советского времени в Узбекистане)

Алижон Итолмасович САФАРОВ

Старший преподаватель
Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

EXPRESSION OF THE PURPOSE OF THE AUTHORITARIAN REGIME **IN MILITARY PUBLICATIONS** (on the example of military publications during the Soviet era in Uzbekistan)

Alijon Itolmasovich SAFAROV

Senior lecturer
University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan. alijon2007@rambler.ru

UDC (УЎК, УДК): 316.77.001.12:008

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Сафаров А.И. Ҳарбий нашрларда мустабид тузум кўзлаган мақсад ифодаси (Ўзбекистонда шўролар давридаги ҳарбий нашрлар мисолида)// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 1(30) — С.166–181.

<https://doi.org/10.36078/1585596433>

Received: December 12, 2019

Accepted: February 17, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>

Аннотация. Шўролар ҳукмронлиги даврида давлат, сиёсий тузум ижтимоий фикрни бошқаришда ҳамда унга таъсир этишда босма нашрлардан самарали фойдаланилган. Мазкур мақолада мамлакатимизда октябрь инқилобидан токи мустақилликкача давр мобайнида Ўзбекистонда чоп этилган ҳарбий газеталар ҳамда журналлар тадқиқ этилиб, улар таҳлили мисолида қандай мафқуравий буюртма бажарилганлиги ўрганилди. Ўз навбатида ҳарбий нашрлар орқали маҳаллий аҳоли онгига асосан нимани, қандай ғояларни сингдиришга уринилганлиги ва қизил аскарлар учун қандай мақсадлар кўзлангани масаласига ҳам ойдинлик киритилди.

Тадқиқот давомида ўрганилган даврдаги ҳарбий нашрлар бошқа даврий матбуот сингари мустабид тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва мафқуравий мақсадларга хизмат қилиши, авторитар матбуотга хос жиҳатлари билан характерланиши бўйича муҳим хулосаларга келинди.

Калит сўзлар: армия; ҳарбий газета; қизиласкар; Туркфронт; Туркистон; коммуникация; Шўро; военкор.

Аннотация. В советский период государство и политическая система плодотворно использовали печатные СМИ для управления общественным мнением. В этой статье исследованы военные газеты и журналы, которые печатались в период с октябрьской революции до дней независимости республики Узбекистан. При изучении и анализе этих печатных изданий рассмотрен вопрос о выполнении идеологических заказов советского режима. Кроме того, внесли



ясность в то, какие цели были поставлены перед красными воинами и то, какое воздействие оказывали военные издания на сознание местного населения.

В процессе исследования пришли к выводу, что эти военные издания, как другие печатные СМИ стремились к политической, экономической и идеологической цели деспотического строя и показана характерная особенность авторитарной прессы.

Ключевые слова: армия, военная газета, красноармеец, Туркфронт, Туркестан, коммуникация, совет, военкор.

Abstract. During Soviet times, the government and the political system effectively used print media to guide and influence public opinion. The article examines military newspapers and magazines published in Uzbekistan from the October Revolution to independence, and also analyze the ideological orders that were achieved as a result of their analysis. In this sense, turning to history, the content of military publications published in Uzbekistan during the Soviet era was studied, their gradual development was analyzed. The works of scholars who have conducted research on the history of journalism and the historical materials studied by the author were compared. In turn, it was clarified through the military publications what they were trying to instill in the minds of the locals and what their purpose was for the Red soldiers. The study concludes that these military publications, like other periodicals, serve the political, economic and ideological goals pursued by a totalitarian system and are characterized by authoritarian media.

Keywords: army; military newspaper; red soldier; Turkish front; Turkestan; communication; soviet; military journalist.

Ҳарбий газеталар тадрижий ривож

Ҳар қандай давлат ҳарбий қудрати, салоҳиятини мустаҳкамлаш, муҳофаа саноати, ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурола-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, бугунги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси миллий армиясидаги ислохотларнинг янги босқичида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласи нафақат давлат ташкилотлари, балки ижтимоий институтларнинг ҳам вазифасига айланиб бормоқда. Бунда табиийки, матбуотнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу маънода олиб қараганда, бугун Ўзбекистонда ҳарбий журналистика ривожига катта эътибор қаратилаётгани замирида Қуроли Кучларимиздаги изчил ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш, тарғиб қилиш сифатини ошириш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг, хусусан ҳарбий матбуотнинг таъсирчанлиги, самарадорлигини ошириш каби мақсад бор. Бу Ўзбекистонда ҳарбий журналистикани ривожлантиришга эҳтиёжнинг биринчи ва асосий жиҳати.

Иккинчи жиҳати эса куч ишлатар тузилмалар — Муҳофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби идоралар ахборот хизматлари, матбуот органларидаги фаоллик, яъни мазкур вазирлик ҳамда идораларнинг очиқлик, шаффофлик сиёсатига амал қила бошлагани билан характерланади. Масалан, 2019 йилдан эътиборан Муҳофаа вазирлиги матбуот хизмати янги тузилмага — Муҳофаа

вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментига айлантирилди. Штат жадвали янада кенгайтирилди. Барча ҳарбий округ (5 та)ларда ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳарбий округлар сайтлари ишга туширилди. Қолаверса, мазкур идоралар ахборот хизматларининг соҳага оид ахборотлари билан ижтимоий тармоқларда ҳам фаоллашди. Бунинг учун табиийки, ҳарбий соҳадан хабардор, ҳарбий мавзуда ёза оладиган журналистларга талаб орта боради. Аммо тузилмадаги барча ходимларни соҳа бўйича мутахассис деб бўлмайди. Келажакда ҳар бир гарнизонда ёки ҳар бир қўшин турида ахборот хизмати йўлга қўйилиши мумкин. Бу ҳарбий журналист кадрларга эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Бунинг учун эса ҳарбий журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни тизимга солиш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этди. Президент ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида 2019 йилнинг сентябридан Ҳарбий журналистика йўналиши очилгани, олий таълим муассасаси ҳузурида 2019 йил апрелидан ҳарбий журналистларни қайта тайёрлаш курси ташкил этилганидан мақсад мана шунда эди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда ва минтақада ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бир вақтда ихтисослашган ОАВнинг, хусусан ҳарбий журналистика ривожининг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда ҳарбий журналистика мустақиллик йилларида миллий манфаатларни қамраб олган ҳолда тўлақонли шаклланди. Тарих — улкан сабоқ, улкан мактаб. Шу маънода тарихга юзланиб, шўролар даврида Ўзбекистонда чоп этилган ҳарбий нашрлари, улар ҳақидаги маълумотлар ўрганилди. Гарчи бу нашрлар миллий манфаатларга хизмат қилмаган бўлса-да, ҳарбий журналистика тарихини ўрганишда, ўша даврга баҳо беришда, бугунги кун билан қиёслашда муҳим аҳамият касб этади.

Октябрь инқилобидан то истиқлолгача мамлакатимизда чоп этилган ҳарбий нашрларни кузатиб, аввало улар орқали ҳукмрон мафкура ҳарбий хизматчилар ўртасида тарғибот, ташвиқот ишларини фаол олиб борганини кўриш мумкин.

Шўролар даврида Ўзбекистонда чоп этилган ҳарбий газеталар ҳақидаги дастлабки маълумот “Ватанпарвар” газетаси таҳририятида сақланиб келган ҳужжат бўлди. Унда Ўзбекистондаги илк ҳарбий газета “Красноармеец” номи билан 1918 йилдан 1921 йилгача чоп этилгани, 1921 йил 12 июндан газета “Красная звезда” деб қайта номлангани ва 1938 йил январигача мазкур ном остида нашр қилингани ёзилган.

Буни бошқа манбалар билан солиштириш ва кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида изланиш олиб борилди. Хусусан мазкур нашрлар ҳақидаги ҳужжатлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимидан топилди. Газеталар таҳламли ичида **“Раненый Красноармеец”**, **“Красный фронт”**, **“Красноармеец”(8)**, **“Красная звезда” (9)** каби газеталар нусхалари мавжуд бўлиб, рус тилида чоп этилган бу ҳарбий нашрларнинг айрим сонлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Жумладан, **“Красноармеец”** газетасининг 1919 йил 12 апрель шанба кунини чоп этилган сонидан нусха кўчирдик. Афсуски фақат биринчи саҳифаси сақланиб қолган экан. Газета шапкаси ёнига “Иккинчи йил нашри” деб ёзилган. Демак, “Красноармеец” 1918 йилдан чоп қилинган, деган хулоса келиб чиқади. Бу эса “Ватанпарвар” таҳририяти

хужжатидаги маълумотнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Газета Туркистон Қизил армияси ва Қизил гвардияси делегатлари ҳарбий кенгашининг органи ҳисобланган. **“Красноармеец”** ҳафтасига 2 марта нашр этилган. Нашрдаги “Яна бир ҳукумат”, “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!”, “Ғолиблар тантанаси” сарлавҳали материаллар унинг қизил аскарлар учун шўро мафкураси тарғиботчиси бўлганини кўрсатади.

“Красный фронт” газетаси 1919 йилдан чоп этилиб, Туркистон республикаси ҳарбий инқилобий кенгаши ҳузуридаги сиёсий бўлим органи ҳисобланган.

Д. Стратуленко муҳаррирлигида чиққан ҳарбий газетанинг эътиборли жиҳати фронтга бепул тарқатилганлигидир. Бундан кўзланган мақсад қизил аскарлар ўртасида тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, улар онгига шўро ҳукумати сиёсатини сингдириш бўлган. Фикримизни нашрнинг айрим сонларидаги материаллар ҳам исботлайди.

Масалан, **“Красный фронт”** газетасининг 1919 йил 19 октябрда чоп этилган сонидида “Қизил кўланка”, “Қизил фронтларда”, “Инқилоб ва маданият”, 1919 йил 30 майдаги сонидида эса “Колчакда”, “Польшада”, “Бухоро” сарлавҳали материаллар берилган. Сарлавҳасининг ўзидан ҳам англаш мумкинки, тузум сиёсий тарғиботни кучайтирган.

Жумладан, “Бухоро” номли мақолада маҳаллий бошқарув танқид остига олинган. Яъни Гафиз имзоси остидаги мазкур материалда Бухоро амири инглизлар ва муллалар, бой-зодагонлар пинжиги яшириниб, иш кўришда айбланади ва тахтда узоқ қолмаслигига ишора қилинади.

Газетанинг 1919 йил 24 майдаги сонидида “Сиёсат” рукнида берилган “Афғон иши” мақоласида Афғонистон амири Омонулло хоннинг Ленинга мактуби чоп этилади. Маълумки, 1919 йил 7 апрель санаси билан Афғонистон амири пролетар “доҳийси” га мактуб йўллаган.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳарбий нашр ижтимоий-сиёсий мавзуларга катта эътибор берган. Бу билан қизил аскарларга совет мафкурасини сингдиришга, маҳаллий аҳолида шўролар сиёсати тўғри эканлигига ишончни шакллантиришга уринилган.

“Раненый Красноармеец” адабий-сиёсий варақа сифатида чоп этилган. Кутубхонанинг Г-16 (сб) фондида нашрнинг 1920 йил 16 сентябрда чиққан 2-сониди топилди.

Варақа ярадор қизил аскарлар ҳамда касалларга ёрдам бериш ҳафталиги доирасида чиқарилган ва 2 саҳифадан иборат. Варақада “Амалий ишга”, “Қизил армия бугуни ва келажиги”, “Намуна бўлинг”, “Ғарбий фронтда” каби материаллар берилган бўлиб, улар асосан ярадор ва хасталарга ёрдам беришга даъват сифатида янграйди.

Тилга олинаётган даврдаги ҳарбий нашрлар бўйича олимларимиз томонидан тадқиқотлар олиб борилганми? Бу саволга жавоб излаганимизда муҳим бир манба топилди. Яъни Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси Нодирбек Хамаевнинг “Ўтмишга назар журнали”нинг 2019 йил 10-сонидида чоп этилган “Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот” илмий мақоласида ҳарбий нашрлар билан боғлиқ қуйидаги қўшимча маълумотга дуч келдик:

“Ўзбекистон ҳудудидида (1924 йилгача Туркистонда —Н.Х) 1918-1935 йилларда бўлиб ўтган совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тарихини ўз саҳифаларида акс эттирган даврий матбуот материаллари икки гуруҳга бўлинади:

1) газеталар;

2) журналлар.

Мазкур матбуот материалларининг катта қисми совет даврига тегишли эканлигини инобатга олиб, уларни мазмун ва моҳиятига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) аҳоли кенг қатлами учун мўлжалланган газета ва журналлар;

2) Туркистонда “босмачилик”ка қарши курашаётган қизил армия ҳарбийлари учун мўлжалланган махсус газета ва журналлар.

Биз қуйидаги иккинчи гуруҳга мансуб газета ва журналларнинг совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тарихига оид манба сифатидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Ушбу газета-журналлар асосан Туркфронтнинг ташаббуси ва ҳомийлиги асосида нашр этилгани учун “ҳарбий матбуот” деб номлашга қарор қилдик.

Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши курашни ўз саҳифаларида акс эттирган ҳарбий матбуотнинг дастлабки вакили **“Красноармеец”** газетаси бўлиб, у 1918 йилдан чоп этила бошлаган. 1919 йилдан эса **“Красный фронт”** ва **“Горнист”**, 1920 йилдан **“Борец за коммунизм”** каби фронт газеталари чиқа бошлади. 1921 йилдан бошлаб ҳарбий газеталарнинг сафига **“Красноармейская газета”**, **“Набат революции”**, **“Еженедельник политработника”** кабилар келиб қўшилди. Умуман олганда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш вақтида бундай газеталарнинг сони 20 тадан ортган эди”(3).

Мазкур манба юқорида келтирилган айрим ҳарбий газеталар, уларнинг чоп этилиш даври ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди. Бундан ташқари муаллиф ҳарбий хизматчилар учун чоп этилган яна бошқа нашрлар хусусида маълумот беради. Яъни **“Горнист”**, **“Борец за коммунизм”** **“Красноармейская газета”**, **“Набат революции”**, **“Еженедельник политработника”** каби нашрлар шулар сирасидан. Ушбу газеталар ҳақида қўшимча маълумот топа олмаганимиз учун шунинг ўзи билан чекландик. Лекин шуни айтиш жоизки, газета, фронт газетаси, варақа шаклидаги бундай нашрларнинг кўпайиши қизил аскарларни зарур ахборотлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилганини кўрсатади.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида Г-40 рақамли фондда **“Красная звезда”** газетасининг 1922-1923 йилларда чоп этилган сонлари тахламлари топилди. Шу сабабли бошқа нашрларга қараганда мазкур газетани кенгроқ таҳлил қилишга имкон пайдо бўлди. Бу эса ўша даврдаги ҳарбий газеталар “қиёфаси” ни шакллантиришимизга ҳам хизмат қилди.

Аввало маҳаллий аҳоли муаммолари бўйича қандай масалаларни ёритганини билиш учун газетанинг 1922 йил 17 сентябрь¹ сонидан “Қизил Туркистонда” рукнида берилган материаллар таҳлил қилинди. “Фарғона кишлоқларида” сарлавҳали хабарда ёзилишича, қизил армиянинг сиёсий тарғиботчилари аҳоли ўртасида митинг, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришган. Уларда Антанта фаолияти, Туркия армиясининг кичик Осиёда эришаётган ютуқлари, дунёда ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида маҳаллий аҳолига тушунтирилади. Наманган уездига қарашли

¹ “Красная звезда” 1922 йил, 17 сентябрь, 57 (189) сон, 1-б.

Чуст қишлоғида 5 минг киши митингда иштирок этгани ҳам хабарда келтириб ўтилган. Шу йўл билан шўролар мафкурасини маҳаллий аҳоли онгига сингдиришга эътибор қаратилган.

Мазкур рукн остида берилган “Тўққизтаси отилди” сарлавҳали материалда Туркфронтнинг ҳарбий инқилобий трибунали Фарғонанинг бир қатор қишлоқ ва шаҳарларида қурол савдоси билан шуғулланган аҳоли вакиллари суд қилгани ёзилади. Хабар охирида РВТ (революционний военный трибунал — *ҳарбий инқилобий трибунал, муал. тарж.*) ҳукми асосида отувга ҳукм қилинган 9 фуқаронинг исм-фамилияси қуйидагича келтирилади: “Муҳаммад Болтабоев, Юнус Абдужабборов, Ҳамидбой Қорабоев, Аббос Фарзалиев, Семён Микиртичанц, Тошмат Охунжонов, Эргашбой Турдибоев, Нейматулла Мулла Мадалиев ва Мулла Охун Ниязбоев”.

Ўлимга ҳукм қилинган фуқаролар ҳақида газетада бундай шаклда ахборот берилиши маънавий-ахлоқий мезонларга тўғри келмайди. Бундай хабар бизнингча маҳаллий аҳолини тузумга, ўрнатган тартибга қарши ҳаракат қилмаслиги учун қўрқитиш, хушёр тортириш мақсадида атайлаб берилган.

“Қизил Туркистонда”² рукнидаги “Турк.университет” сарлавҳали хабарда “Главпрофобр” коллегияси қарори билан Туркистон давлат университети фаолияти йўлга қўйилгани ҳақида ёзилади.

“Туркистон учун медициналар” материали Москвадаги Турк ваколатхонаси томонидан Туркистонга дори-дармонлар, тиббиёт ускуналари келтирилганидан хабар беради. “Туркистон талабалари” хабарида Москвада Туркистон талабаларидан иборат махсус бирлашма тузилгани хусусида маълумот берилган.

Яъни, маънавий-маърифий ҳаётдаги ўзгаришлар, ижтимоий соҳадаги янгиланишлар ҳақида берилган бундай хабарлардан кўзланган асосий мақсад шўро ҳукуматининг маҳаллий халққа “муруввати”, “ғамхўрлиги”ни кўрсатиш, тарғиб этиш бўлган.

Газетанинг 1922, 1923 йиллардаги сонларида “Босмачиликка барҳам берамиз”, “Босмачиликка қарши”, “Босмачиликка қарши кураш” каби рукнларда мунтазам равишда мақола ва хабарларни ўқидик. Газета бу орқали шўролар ҳукуматининг сиёсий буюртмасини бажарган. Туркфронт газетаси ходимлари босмачиликка қарши кураш ниқоби остида миллий озодлик ҳаракатини бўғишга, аҳоли ўртасида аксилтарғибот ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратган.

Масалан, “Красная звезда” газетасининг 1922 йил 22 сентябрь сонидagi “Муҳиддинга ўлим!” сарлавҳали материалда шундай ёзилган:

“Биз Аравон қишлоғи фуқаролари ва гарнизон қизил аскарлари Муҳиддин ва Янгибойнинг бебошлигини инобатга олиб, суддан уларга нисбатан олий жазо (отув) қўлланилишини сўраймиз.

Таслим бўлмаганларга — қўрбошиларга қуйидагича мурожаат этамиз: ўртоқ қўрбошилар, таслим бўлинг ва қуролларни совет ҳукуматига топширинг. Совет ҳукумати қилган гуноҳларингизни кечиради, ҳеч бир қўрбоши, шунингдек унинг йигитларига дахл қилинмайди.

Фарғонадаги осойишталикка шон-шарафлар бўлсин. Ҳамма нарса меҳнат учун.

² “Красная звезда” 1922 йил, 19 сентябрь, 58 (190) сон, 2-б.

*Таслим бўлишни истамаган босмачиларга ўлим!*³.

Газетанинг 26 сентябрь сони 1-саҳифасида Фарғонадаги миллий озодлик ҳаракати етакчиларидан бири Муҳиддин Усмон Алиевнинг фотосурати берилиб, унга шундай тагсўз битилган:

*“Яқин кунларда ревтрибунал суди олдида жавоб берадиган босмачилар етакчиси Муҳиддинбек”*⁴.

Газетанинг 1922 йил 3 октябрдаги сониди мавзуга яна қайтишган. Қўрбоши ҳақида ижтимоий фикрда, жамоатчиликда салбий тушунчалар ҳосил қилишда, шўролар жиноятини хаспўшлашда ҳарбий газета давом этади. “Муҳиддинбек нега отилди?!” мақоласидаги қуйидаги сатрлар фикримизни исботлайди:

“Ҳарбий инқилобий трибунал аҳолининг хоҳиши-истагини тўла қўллаб-қувватлайди.

*Аҳоли томонидан ижобий фикр билдирилган уч нафар айбланувчига нисбатан ҳукм енгиллаштирилди ва улар 5 йилга озодликдан маҳрум этилди”*⁵.

“Красная звезда” нинг 1923 йил 3 октябр 216-сониди иккинчи саҳифаси Семгин номли муаллифнинг “Босмачиликка барҳам берамиз!” сарлавҳали мақоласи билан бошланган. Хабарда муаллиф қўрбоши Ислонкулнинг Фарғонанинг Яйпанида қизил аскарлар билан бўлган жангда шармандаларча қочганини ёзади⁶. Бу билан шўро армиясининг куч-қудратини намойиш этишга уринади.

Материаллар таҳлилига асосланиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда шўролар даврида чоп этилган ҳарбий газеталар маҳаллий аҳоли онгига қуйидагиларни сингдиришга уринган:

— *советлар сиёсати тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишга;*

— *советларнинг халқаро майдонда кенгайиб бораётган нуфузи мисолида тузумга бўйсунуши ҳиссини ҳосил қилишга;*

— *советларнинг Россия ва бошқа бўйсунувдаги ўлкаларда тузумни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган муҳим ишларидан хабардор этишга;*

— *шўро душманларига қарши салбий фикрни шакллантиришга;*

— *аҳолини босмачилик (аслида миллий озодлик, муаллиф изоҳи) ҳаракатига қарши курашга чорлашга;*

— *тузумга қарши курашаётган миллат фидойиларига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотишга;*

— *қизил армиянинг қиргинларини халқнинг тинчлиги, ҳаловатини сақлаш йўлидаги ҳаракат эканлиги билан оқлашга;*

— *душманлик кайфиятида бўлганларни ҳарбий трибунал ва тузум қўллайдиган жазо билан қўрқитишга ва ҳ.к.*

Бундан газета қизил аскарларнинг миллатимизга қадалган асосий қуроли, деган хулоса келиб чиқади.

Ўз навбатида газета бевосита қизил аскарлар учун қандай мақсадларни кўзлаганини билиш учун чоп этилган айрим материаллар таҳлил қилинди. Тадқиқотимиздан тахминан қуйидаги хулосалар келиб чиқди:

³ “Красная звезда” 1922 йил, 22 сентябрь, 61 (193) сон, 1-б.

⁴ “Красная звезда” 1922 йил, 26 сентябрь, 64 (196) сон.

⁵ “Красная звезда” 1922 йил, 3 октябр, 70 (202) сон.

⁶ “Красная звезда” 1923 йил, 3 октябр, 216 (603) сон.

1. Жанг олиб бориш, ҳарбий илмни ўргатиш. Масалан, “Ҳарбий илмни ўрганамиз” рукнида қурооллар, портлатиш воситаларини ишлатиш, умуман олганда жанг олиб боришда керак бўладиган тактика қизил аскарларга ўргатилади.

Буни 1922 йилнинг октябрь-декабрь сонларида чоп этиб берилган материаллар мисолида кўриш мумкин. Газетанинг 89-сониди муҳандислик илми, портлатиш-қўпоровчилик билан боғлиқ ҳарбий илмдан сабоқ берилган. Порох, динамит ва бошқа портлатиш воситаларини ишлатиш тартиби тушунтирилган⁷.

Нашрнинг 1922 йилдаги 104-сониди эса сапёрлик илмидан муҳим маълумотлар берилди. Демак, жанг давомида қўлланиладиган тактикада муҳандислик, сапёрлик илмига зарурат армияда юқори бўлган.

1922 йилнинг 2 декабридаги “Осиёнинг отлик қўшини” сарлавҳали материалда аждодларимизнинг отлик жанг олиб бориш маҳорати ҳақида қизил аскарларга сабоқ ўтилган⁸. Бу ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатимиз географиясидан келиб чиқиб, отлик жанг олиб бориш усулини қизил армия кенг қўллаганини яхши биламиз.

1923 йилдаги сонларида ҳам тилга олинаётган ҳарбий илмни ўргатиш мавзусида кўплаб материаллар учрайди. Масалан, газетанинг 5 октябрдаги сониди муаллиф Гевконинг “Қизил Кушкадаги артиллерия инспекцияси” номли мақоласида артиллерия билан боғлиқ ҳарбий илм ўргатилади⁹.

Шунингдек, “Красная звезда”нинг 1923 йил 27 ноябрдаги сониди ҳарбий алоқа¹⁰, 6 декабрдаги сониди эса кимё соҳасининг¹¹ ҳарбий илмдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Демак, газетадан жанг олиб бориш илмини ўргатишда усталик билан фойдаланишган.

2. Халқаро ҳаётда кечаётган муҳим ахборотлар билан таъминлаб бориш.

“Красная звезда” нинг 1923 йил 3 октябр 216-сони биринчи саҳифасида “Ўртоқ Троицкий халқаро вазият ва Қизил армия ҳақида”, “Болгарияда”, “Японияда”, “Раковский Лондонда”, “Саксонияда”, “Германия ҳақида” сарлавҳадаги материаллар эълон қилинган¹². Газетанинг 1-саҳифаси асосан дунёда кечаётган муҳим воқеаларга, яъни халқаро мавзуга бағишланган. Газетанинг 1922–1923 йилги сонларида халқаро ҳаёт, халқаро сиёсат билан боғлиқ мавзулар изчил ёритилди.

Бундан мақсад қизил аскарларга жаҳонда кечаётган муҳим воқеалар ҳақида ахборот бериш ҳамда инқилоб иши, партия иши ҳақ эканлигини советлар сиёсатининг дунёда кенгайиб бораётган таъсир доираси мисолида тушунтириш бўлган.

3. Маданий-маърифий савияни ошириш, кўнгилли дам олишини таъминлаш.

⁷ “Красная звезда” 1922 йил, 25 октябр, 89 сон, 3-б.

⁸ “Красная звезда” 1922 йил, 2 декабр, 110 (251) сон, 2-б.

⁹ “Красная звезда” 1923 йил, 5 октябр, 218 сон, 3-б.

¹⁰ “Красная звезда” 1923 йил, 27 ноябр, 262 сон.

¹¹ “Красная звезда” 1923 йил, 6 декабр, 270 сон.

¹² “Красная звезда” 1923 йил, 3 октябр, 216 (603) сон.

Буни “Адабиёт саҳифаси”¹³, “Қизил курсант саҳифаси”¹⁴, “Фронтимиз ҳаётидан”¹⁵, “Ҳарбий муҳбир бурчаги”¹⁶ каби рукнларда берилган адабий-бадиий, маърифий, кўнгилочар мавзулардаги материаллар мисолида кузатиш мумкин.

4. Маҳаллий аҳоли билан мулоқотни таъминлаш, алоқаларни яхшилаш.

Масалан, газетанинг 1923 йил 18 октябрь сонида “Ўзбек тилини ўрганамиз” рукнида муайян мавзуга бағишланган сўзлар ва унинг русча таржимаси берилган¹⁷. Яъни маҳаллий аҳоли билан кундалик мулоқотда зарур бўладиган муҳим сўз ва ибораларга эътибор қаратилган.

Нашрнинг тилга олинаётган сонидаги 18-машғулота ўзбекча ой номлари ҳамда вақт меъёрлари ҳақида газетхонлар, яъни қизил аскарлар билан қуйидагича сабоқ олиб борилганига гувоҳ бўлдик.

“Ой номлари”

Далю (аслида далё бўлиши керак, муаллиф изоҳи) — январь.
Хут (хут ёзилиши керак, рус алифбосида “х” ҳарфи бўлмагани учун ундай ёзилган бўлса керак, муаллиф изоҳи) — февраль.
Хамаль (бунда ҳам “х” ҳарфи билан боғлиқ муаммо) — март.
Саур (“савр” сўзи ўзгартирилган) — апрель.
Джауза (“жавзо” деб ёзилиши керак эди) — май.
Саратан (саратон) — июнь.
Асад — июль.
Сумбия (сумбула) — сентябрь.
Мизан (мезон) — октябрь.
А раб (“ақраб” матнда 1 та ҳарф тушиб қолган) — ноябрь.
Каус (қовус) — ноябрь.
Дж адди (жаддий) — декабрь.

Вақт

Бир саат (“бир соат” бўлиши керак эди) — один час.
Бир дакика (“бир дақиқа” бўлиши керак эди) — одна минута.
Бир саат, беш дакика (“бир соат, беш дақиқа” - один час, пять минут.
Бир саат, ун дакика (“бир соат, ўн дақиқа”) - один час, десять минут.
Бир ярим саат (“бир ярим соат”) — один час, тридцать минут олтора часа).
Машғулот ниҳоясида қуйидагича топшириқ берилган:
Составьте фразе: один час, пятнадцать минут, один час, тридцать ть минут; два часа, три часа, одинадцать часов; двенадцать часов.
 Газетадаги 28-машғулота эса мулоқот жараёнида ишлатиладиган уҳим ўзбекча-русча сўзлар лугати берилган:
Укумак (ўқимоқ) — читать.
Курмакь (кўрмоқ) — видеть.
Карамак (қарамоқ) — смотреть.
Кьылмак (қилмоқ) — делать.

¹³ “Красная звезда” 1922 йил, 17 октябрь, 82 (214) сон.

¹⁴ “Красная звезда” 1922 йил, 1 октябрь, 69 (201) сон.

¹⁵ “Красная звезда” 1922 йил, 20 сентябрь, 59 (191) сон.

¹⁶ “Красная звезда” 1923 йил, 21 ноябрь, 257 (644) сон.

¹⁷ “Красная звезда” 1923 йил, 18 октябрь, 229 (603) сон, 3-б.

Кульмак (кулмоқ) — смеяться.

Сабоқ охирида ўзбек тили грамматикаси бўйича тушунча берилган.

Савол туғилади. Хукмрон совет мафкурасига хизмат қилиш, қизил аскарларни шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга сафарбарлиқ, мамлакатдаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш, миллатни қўллаш сиртмоғига тортиш каби мақсад кўзланган “қизил” газета нега аҳаллий халқ тилини ўрганишни тарғиб қилган?

Бунга жавоб газета саҳифаларида берилган материалларни қўлдан келтирилган сўнг ойдинлашди. Хабар ва мақолаларда келтирилишича, қизил аскарлар, уларнинг кўмондонлари маҳаллий халқ орасида шўро мафкуратининг “халқпарвар” сиёсатини, босмачиликка қарши кураш компанияси моҳиятини ва бошқа долзарб масалаларни учрашувлар, иштингларида тарғиб қилишга ҳам эътибор берган. Демак, мулоқотга киришиш, ишончли қозониш, шўро сиёсатини етказиш учун маҳаллий аҳоли орасида қисман бўлса-да сўзлашишга уринилган.

5. Қизил аскарларни матбуот орқали тарбиялаш, улар орасидан аҳоли мухбирларни, тарғибчиларни шакллантириш.

Матбуот орқали ижтимоий онгга таъсир ўтказиш, жумладан қизил аскарларни газета орқали тарбиялаш қанчалар долзарб аҳамият касб этганини “Красная звезда” газетаси бош муҳаррири Г. Гейлернинг “Ҳомийлар ва ҳарбий матбуот” мақоласи ҳам исботлайди. Мазкур мақолани асл ҳолида келтирамиз.

“Москва оталиққа олиш ижроия бюроси Москвадаги “Красный воин” округ газетаси чоп этилиши учун ҳар ойда 12 миллиард ажратади”.

(Известия ВЦИК 5 сент.)

“Республика инқилобий ҳарбий кенгашининг оталиққа олиш комиссияси вақтли ҳарбий наирларга ёрдам беришни кучайтириш заруратини таъкидлади”.

(Известия ВЦИК 5 сент.)

“Москвада оталиққа олишга масъуллар (шеф) шундай ишлашади. Бизда, Туркистонда-чи? Бизнинг шефларимиз томонидан қизил армия газетаси бўлган “Красная звезда”га ёрдам бериш учун ҳамма ишлар қилинганми? Йўқ, уч карра йўқ.

Гарчи мазкур муаммо бир неча марта кўтарилган бўлса-да, ҳанузгача қониқарли жавоб олингани йўқ. Туркистон фронтининг қизил аскарлари тарбиясида мураккаб вазифа юклатилган “Красная звезда” қийин шароитда чиқяпти. Босмахона харажатларининг мунтазам ошиши, марказдан маблағ келиши тўхташи бизни келажакимиз ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда. Шунинг эса тутишимиз лозимки, қизил армия газетаси ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплай олмайди. Газета тиражининг учдан тўрт қисми фронтга бепул тарқатилиши керак. Қизил армия ҳарбий қисмлари ўз газетасига ёрдам бериш, уни моддий қўллаб-қувватлаш имконига эга эмас. Битта йўли қолган — бир томондан фронт органларидан жамоавий ва дўстона ёрдам, иккинчи томондан фуқаровий ташкилотлардан кўмак. Биринчиси, фронт итаби бошчилигида қўлидан келганича ёрдамлашяпти. Иккинчиси — оталиққа олувчиларнинг роли жуда юксак сўт. Навбат сизларга!

Шунинг учун Қизил армияга ёрдам берадиган оталиқ ташкилотлар ишини назорат қиладиган марказий қўмитани газетасига кўмак бериш масаласини кун тартибига қўйишга чақирамиз.

Мазкур ёрдам ҳар ойда 6 миллиард рублга етиши керак. Бу минимум

даражаси. Бу сумма миқдори фронт матбуотига берилиши шарт.

Туркистон фронтининг сиёсий ва ҳарбий шароитида бизга кундалик газета керак. Тираж (ҳозир жуда кам)ни ошириши зарур. Газета мазмунини бойитиши керак. Унинг ишига янги кучларни жалб қилиши лозим. Буларнинг барини амалга ошириши зарур. Бунини амалга ошириши учун эса жиддий қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

*Ишончимиз комилки, Туркфронт қисмлари шефлари чақиригимизга лаббай деб жавоб беришади ва Қизил армия олдидаги қаҳрамонона бурчини бажаради*¹⁸.

Бу ҳарбий газета сиёсий буюртма асосида чиқарилганини исботлайди. Мустабид тузум, ҳукмрон мафкура газетанинг мунтазам чиқиби туришини етарли маблағ билан таъминлаб турган.

Масалага ойдинлик киритиш учун матбуотни оталиққа олиш муаммоси билан қизиқдик. Бунга тарих фанлари номзоди, полковник Ю. Павлов муаллифлигидаги “Халқ ва армия якдил” (10) материалдан жавоб топилди. Муаллиф ёзишича, ВЦИК нинг 1921 йил 17 ноябрдаги қарори билан қизил армияни оталиққа олиш бўйича жамоатчилик ҳаракати қонуний кучга эга бўлган. Армияда бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш учун 1922 йилнинг 6 июлида республика инқилобий ҳарбий кенгаши (Реввоенсовет) ҳузурида Марказий оталиққа олиш комиссияси тузилган.

Ўрнатилган тартибга мувофиқ қисмларни коммунистик партия ташкилотлари, марказий ва маҳаллий ижро ҳукумати, ишлаб чиқариш ва хўжалик органлари, шунингдек завод ва фабрикалар оталиққа олиши мумкин бўлган. Давлат ёки давлатга қарашли ташкилот, муассаса томонидан Қизил армияга, унинг ҳарбий матбуотига ҳомийлик маблағлари ажратилган. Бунинг ҳисобига қизил аскарларга газета текин тарқатилади. Бу омил ҳарбий матбуотдан қизил аскарларни шўро мафкураси руҳида тарбиялашда самарали фойдаланилганини исботлайди.

“Ҳарбий мухбир бурчаги”¹⁹, “Сиёсий ходим бурчаги”²⁰ каби рукнларда фронтдан, гарнизонлардан қизил аскарлар хабарлар ёзиб турган. Газетанинг 1922–1923 йилги сонларида Кавдив, Юнусов, Колчин, Холодов, Котик, Белкин, Несудимов, Яушев, Саломко, Борисов, Винкович, Чурилов, Марков, Бородинов каби “военкор”, яъни жамоатчи ҳарбий мухбирлар имзоси билан материаллар бериб борилади.

“Красная звезда”нинг 1923 йил 18 декабрдаги сонидида “Ҳарбий мухбирларнинг фронт конференцияси” рукни остида Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси Шапошниковнинг “Туркфронтнинг ҳарбий-сиёсий аҳволи ва қизил армия матбуоти” номли маърузаси берилган. Кириш қисмида шундай ёзилган: “*Ўртоқ Шапошников маърузасида Туркистондаги босмачилик ҳолатини ифодалаб, бухоролик босмачиларга қарши курашдаги асосий вазифаларга, сўнгра халқаро вазиятга тўхталди ва бу шароитда қизил армия газетаси ҳамда унинг ҳарбий мухбирларнинг вазифасини таъкидлади*”²¹.

“Красная звезда”да чоп этилган мазкур материал, яъни ҳарбий мухбирларнинг фронт бўйича конференцияси резолюциясида

¹⁸ “Красная звезда” 1922 йил, 19 сентябрь, 59 (191) сон, 1-б.

¹⁹ “Красная звезда” 1923 йил, 21 ноябрь, 257 (644) сон.

²⁰ “Красная звезда” 1922 йил, 19 сентябрь, 58 (190) сон, 3-б.

²¹ “Красная звезда” 1923 йил, 18 декабрь, 280 (667) сон, 4-б.

белгиланган вазифалар шўро ҳукумати нашрни шакллантириш учун жамоатчи ҳарбий мухбирлар (военкор), тарғиботчиларга алоҳида эътибор қаратганини кўрсатади.

“Красная звезда” газетасини 1923 йил январь-март ойларида янада шакллантириш, мазмунини яхшилаш бўйича ҳарбий мухбирлар, таҳририят ижодкорлари олдида қўйилган куйидаги вазифалар эътиборни тортади:

— ҳарбий мухбирлар хабарларини барчага тушунарли услубда бериш;

— сатирик материалларни кўпайтириш;

— ҳафтасига 1 марта жанговар хотиралар ёки совет қишлоғи шароитлари ҳақида ҳикоялар бериш;

— ҳафтасига 2 марта инқилобий саргузаштли романларни чоп этиш;

— ҳафтасига 2 марта халқаро ёки фронт мавзуда кичик фельетонлар бериш;

— ҳар сониде шеърлар (қизил аскарлар ижодидан ёки инқилобий) чоп этиш;

— иллюстрацияларни кўпайтириш (карикатура, фотосурат, адабий асарлар ва илмий мақолаларга суратлар);

— аксил диний тарғибот бўйича жаҳонда ва одамлар орасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳафтасига 2 марта материал бериш;

— ҳафтасига 2 марта амалий фанлар бўйича очерклар чоп этиш (биринчи навбатда физика бўйича);

— “Ҳарбий ишларни ўрганамиз” рукнини такомиллаштириш, қизил аскарлар, кичик командирлар ва сиёсий таркиб учун қизиқарли қилиб тайёрлаш, ҳафтасига 2 марта чоп этиш;

— ўзбек тилини ўрганиш бўйича рукни ўз ҳолича қолдириш;

— туркистоншунослик туркумида географияга оид маълумотларни (Ўрта Осиё мамлакатларининг иқлими, кенгликлари, аҳолиси) ҳафтасига 3 марта бериш;

— илм ва фан янгиликларини кўпроқ ёритиш;

— ҳафтасига 1 марта “Шоирлар билан суҳбат” рукнида материал тайёрлаш ва газетхонларда назм ва наср қоидаларини ўргатиш;

— ҳафтасига 1 марта “Нимани ўқиш ва қандай ўқиш?” рукнида материал бериш;

— “Инқилобий йиллар” рукнида ҳар сониде дунёда бўлаётган янгиланишлар ҳақида хабарлар бериш.

Шунингдек, ҳар ҳафтада СССРнинг ички аҳволи ва жаҳондаги вазият таҳлилига эътибор қаратиш, Украина ва Ўрта Осиё мамлакатлари тўғрисида кўпроқ ахборот бериш, Қизил армия ҳаётига оид очеркларни тизимли чоп этиш, халқаро, ички партиявий, фронтга оид бош мақолалар тайёрлаш вазифалари ҳам ҳужжатда кўзда тутилган.

Қўйилган вазифаларнинг ўзидан ҳам шўролар газетадан, ҳарбий мухбирлардан нимани истаётганини билиш мумкин. Уларни куйидагича таснифладик:

— сиёсий онгни ўстириш;

— шўролар сиёсатида ишончни мустаҳкамлаш;

— маънавий-маърифий билимларни ошириш;

— ҳарбий соҳада ҳамда ҳарбий журналистикада профессионаликка эришиш;

— мафкуравий тарғиботни кучайтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур газетанинг мафкура тарғиботчилиги ролига бошқа ҳарбий нашрларга қараганда катта аҳамият қаратилган.

“Фрунзевец” газетаси 1938 йил февралдан 1992 йил 24 июнгача Туркистон ҳарбий округининг нашри сифатида чоп этилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасидан газетанинг 1991 йил 2-ярим йилликда чоп этилган айрим сонларини ўргандик. Эътиборли жиҳати 6 ой давомида газетанинг 10 га яқин махсус сонлари чоп этилган. “Афганский излом (Афғон жароҳати)”²² (“Фрунзевец” ва Ўзбекистон байналмилал жангчилар уюшмаси билан ҳамкорликда тайёрланган махсус сон), “8-ая Гвардейская Панфиловская” (8-гвардиячи панфиловчилар)²³, “Туркестанские ведомости” (Туркистон ахборотномаси)²⁴, “Время “Ч” (Ч вақти)²⁵, “Коллекционер Туркестана” (Туркистон коллекционери)²⁶, “Космодром” (Космодром)²⁷, “Мне 20 лет” (20 ёшдаман)²⁸, “Очная ставка”²⁹, “Конверсия”³⁰, “Военная тайна” (Ҳарбий сир)³¹ шулар жумласидан.

Газетанинг ўз аудиториясига ранг-баранг ахборотлар бериш, ижтимоий-сиёсий мавзудан тортиб, кўнгилочар мавзуларгача камраб олишга бундай янгича ёндашувини эътироф этиш лозим. Бундай ижодий изланиш **“Фрунзевец”** ҳарбий журналистларида профессионаллик шаклланишини кўрсатади.

Мустақил Ўзбекистон армиясига асос солиниши билан **“Фрунзевец”** газетаси фаолияти тугатилиб, 1992 йил 24 июнь санасида Мудофаа вазирлиги марказий матбуот органи **“Ватанпарвар”** газетаси чоп этилади.

Ҳарбий журналлар тарихи

Совет ҳукумати қизил аскарлар учун газета ёки варақа чиқариш билан чекланиб қолмаган. Яъни Ўзбекистонда ҳарбий журналлар ҳам чоп этилган.

Профессор Н. Абдуазизова ўзининг “Тошкент матбуоти” рисолида Ўзбекистонда шўролар даврида ҳарбий журналлар чоп этилгани ҳақида маълумот беради.

Хусусан, рисолянинг 62-бетиде келтирилган **“Атака”** адабий-бадий журнали қизил армия ижодкорларининг ҳарбий нашри ҳисобланиб, биринчи сони 1934 йилда нашр этилган.

Ўрта Осиё ҳарбий округининг ушбу ойлик журналида Михаил Яновский, Владимир Разумов, Абдулла Суюм, Мир Ваҳоб Мирабдуллаев, Александр Пахомов, Ахметов, Иван Бортников, Роговский, Яков Хрянин, Шариф-Заде, Абдул Васи, Ханнафий Мансуров, Михаил Сталбун, Василий Коротков, П. Воловод, В.

²² “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 4 июль, 149 (21539) сон.

²³ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 11 июль, 155 (21545) сон.

²⁴ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 7 сентябрь, 205 (21595) сон.

²⁵ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 25 июль 167 (21557) сон.

²⁶ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, сентябрь, 214 (21604) сон.

²⁷ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 25 сентябрь, 219 (21609) сон.

²⁸ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 4 октябрь, 228 (21618) сон.

²⁹ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 22 ноябрь, 268 (21658) сон.

³⁰ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 28 декабрь, 300 (21690) сон.

³¹ “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, 11 октябрь, 234 (21624) сон.

Свидерский, Я. Кадулин, Савко, Х. Мирзаев, Аҳмедов, Абдурахим Мусин, Муратов, Ригин, Рискулов, Удалов, Арбузов кабилар ижодидан намуналар босилган. Журнал чиқиши муносабати билан унда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Хўжаевнинг табриги берилган. Журнал адади 4000 нусха бўлган.

Рисолада **“Борьба и учёба”** (“Кураш ва ўқиш”) — ҳарбий-сиёсий журнали ҳақида ҳам ёзилган. Туркистон fronti сиёсий бошқармаси томонидан 1922–1926 йилларда рус тилида нашр этилган мазкур журнал адади 1500 нусха атрофида бўлиб, саҳифаларида фронтдаги аҳвол, Ўрта Осиё республикалари ҳаётига оид турли мақолалар босилган (1, 65).

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида 4891 рақам остида сақланаётган адабиёт ва санъатга оид журналлар тахлами ичида **“Скорпион” (Красноармейский)** сатирик журналининг бир сонига кўзимиз тушди (7). Қизил аскарлар учун чиқарилган мазкур журналга 1923 йил, 23 февраль санаси қайд этилиб, “2-йил нашри” деган ёзув битилган. Демак, журнал 1922 йилдан чоп этила бошланган, деган хулоса келиб чиқади.

Журнал 12 бет ҳажмда бўлиб, унга Л. Ольгин масъул муҳаррир бўлган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, журнал аввало танқидий, ҳажвий йўналишда материаллар чоп этган. Қолаверса, адабий-бадий йўналишдаги материалларга ҳам кўзимиз тушди. Жумладан, “Қизил икона”, “Дунёни сув босса тўпигига чиқмайди” сарлавҳали карикатуралар, “Меҳрибон амаки”, “Куймичига дум”, “Дўстлар ёзишмаси” каби танқидий материаллар, “Қизил армия тарихи”, “Польша ҳақида эртақ” каби шеърлар журналда берилган.

“Дўстлар ёзишмаси” материалида Мадаминбек танқид, аёвсиз ҳажв остига олинган. Яъни миллий овозлик учун курашган кўрбоши Мадаминбек номидан ёзилган бу ҳажвий материал қизил аскарларни “босмачи”ларга қарши курашга руҳлантиришга хизмат қилган.

Ўрганишлар давомида мазкур сатирик журнал алоҳида чоп этилганми ёки номи шунга ўхшаш нашрнинг иловаси бўлиши мумкинми, деган тахмин пайдо бўлди. Бунга жавоб излаб, филология фанлари номзоди, доцент Бойбўта Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобига юзландик.

Китобда Б. Дўстқораев А.Добрословнинг мақоласидан иқтибос келтириб, “Туркестанский скорпион” нашри чоп этилганини айтади (2, 18). Муаллиф айнан мазкур китобида яна шундай маълумот беради:

“1907 йил 1 октябрдан рус тилида Туркистоннинг биринчи ҳажвий журнали “Туркестанский скорпион” (Туркистон чаёни) нашр қилина бошлайди. Муҳаррири Н.В. Тугарина. Жами 9 сони босилган” (2, 100).

Шу ўринда **“Скорпион (Чаён)” (Красноармейский)** журнали ҳарбий хизматчилар учун махсус чоп этилганми ёки бирмунча илгари чоп этилган **“Туркестанский скорпион”**нинг давоми, иловаси ёки қизил аскарларга мўлжалланган махсус соними, деган савол пайдо бўлади. Бунга жавоб топиш учун манбаларга юзландик.

Дастлаб Интернетдаги қизиқ бир маълумот эътиборни тортди. Унда ёзилишича, 1922 йилда Борис Лавренёв деган ҳарбий журналист ташаббуси билан шўро Туркистонининг илк сатирик журнали **“Скорпион”**нинг биринчи сони чоп этилади. Фронт газеталарида ишлаб тажриба тўплаган бу ҳарбий журналист мазкур журналда фельетон, карикатура, суратлар, сатирик интервьюлари билан мунтазам иштирок этган. Демак, калаванинг учи топилди (11). Яъни бу манба юқорида тилга

олинаётган нашр “Туркестанский скорпион”нинг давоми эмас, балки ҳарбийлар учун чоп этилган алоҳида журнал бўлиши мумкин, деган тахминни қўллаб-қувватлайди.

Борис Лавренёв ҳақидаги маълумотни ўқиб, яна бир муҳим манбага дуч келинди. Яъни ҳарбий журналист “Военный работник Туркестана” журналида муҳаррир ўринбосари бўлиб фаолият юритгани келтирилган. Демак, яна бир ҳарбий журнал ҳақида маълумотга эга бўлдик.

Интернетда олим В. П. Шорниковнинг маърузасидан келтирилган иқтибосда мамлакатимизда чоп этилган ҳарбий журналлар хусусида қўшимча маълумотларга дуч келинди. Унга кўра, ҳарбий очерклар асосан Туркфронт Сиёсий бошқармаси томонидан нашр қилинган ҳарбий журналларда берилган.

Бундан ташқари 1918–1924 йилларда Туркистонда турли вақтларда рус тилида 35 номдаги ҳарбий газета ва уларга 6 та илова чоп этилгани муаллиф материалида келтириб ўтилган (4).

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси Нодирбек Хамаев “Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот” илмий мақоласида ҳарбий журналлар ҳақида маълумот келтирган (3). Мазкур манба юқорида ҳарбий журналлар ҳақидаги келтирилган маълумотни тасдиқлайди.

Муаллиф “Военная мысль”, “Военный работник Туркестана”, “Красная казарма” сингари ҳарбий журналлар совет ҳокимиятига қарши Фарғонадаги курашни бостириш йўлида муҳим тарғибот вазифасини ўтаганини ёзади. Хусусан мазкур журналлар тарғибот гуруҳлари учун маърузалар, аскарлар билан ўтказиладиган сиёсий суҳбатлар учун тезисларни чоп этиб борган. Яъни шўро ҳукумати, Туркфронт мулозимлари мамлакатимиздаги ҳарбий матбуотдан миллий озодлик курашини бостириш йўлида усталик билан фойдаланган. Буни большевикларнинг “босмачилик”ка қарши курашдаги муҳим қуроли дейиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шўролар даврида Ўзбекистонда чоп этилган ҳарбий нашрлар бошқа даврий матбуот сингари шакллана борган бўлса-да, мустабид тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилиши билан, авторитар матбуотга хос жиҳати билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуазизова Н. Тошкент матбуоти. — Т.: Академия, 2010. — 186 б.
2. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. — 380 б.
3. Хамаев Н. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот // Ўтмишга назар журнали. — 2019. — № 10-сон. — Б. 69–77. — URL: <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/09/tarix-2019-10/69-78.pdf>
4. Шорников В. П. Военная печать как источник изучения истории гражданской войны в Туркестане // Историография, источниковедение истории Компартии Туркестана. Материалы научно-теоретического симпозиума, состоявшегося 28–29 января 1988 г. в г.Ташкенте. Ташкент, 1989. 271–279. — URL: <https://sklyarevskiy.livejournal.com/1778011.html>
5. “Красная звезда” газетаси, 1922, 1923 йиллар, Тошкент.
6. “Фрунзевец” газетаси, 1991 йил, Тошкент.

7. А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлими, п/я 4891, 20412, ГБ УзССР, 1971.
8. А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлими, Г-16 (сб).
9. А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлими, Г-40.
10. <https://books.google.co.uz/books>
11. <https://www.rulit.me/books/sobranie-sochinenij-t-1-povesti-i-rasskazy-read-389198-254.html>

References

1. Abduazizova N. *Toshkent matbuoti* (Tashkent press), Tashkent: Akademiya, 2010, 186 p.
2. Dustqoraev B. *Uzbekiston zhurnalistikasi tarixi* (History of journalism of Uzbekistan.), Tashkent: F. Fulom nomidagi nashriet-matbaa izhodii uii, 2009, 380 p.
3. Khamaev N. *Utmishga nazar zhurnali*, 2019, No 10, pp. 69–77. available at: <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/09/tarix-2019-10/69-78.pdf>
4. Shornikov V. P. *Istoriografiya, istochnikovedenie istorii Kompartii Turkestana* (Historiography, source study of the history of the Communist Party of Turkestan), Materials of the scientific-theoretical symposium, January 28–29, 1988, Tashkent, 1989, pp. 271–279, available at: <https://sklyarevskiy.livejournal.com/1778011.html>
5. The newspaper “Krasnaya Zvezda”, 1922, 1923, Tashkent.
6. The newspaper “Frunzevets”, 1991, Tashkent.
7. 7. A. Department of Rare Publications and Manuals of the National Library of Uzbekistan named after Navoi, p/я 4891, 20412, GB UzSSR, 1971.
8. A. Department of Rare Publications and Manuals of the National Library of Uzbekistan named after Navoi, G-16 (sb).
9. A. Department of Rare Publications and Manuals of the National Library of Uzbekistan named after Navoi, G-40.
10. <https://books.google.co.uz/books>
11. <https://www.rulit.me/books/sobranie-sochinenij-t-1-povesti-i-rasskazy-read-389198-254.html>